O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI
ZAFAROBOD TUMAN HOKIMINING
QARORI

708806 Zafarobod sh. Mustaqillik ko’chasi 1-uy. Tel (72)472-24-20 e-mail:zafarobod.t@exat.uz

2021 - yil 6 - noyabr 87-3-50-Q/21 Zafarobod tuman hokimligi

Зафаробод туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан туман ҳудудидаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимлиги:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қабристонларни зарур даражада сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ҳашарлар, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

санитария қоидалари ва меъёрларига қатъиян риоя этган ҳолда қабристонларни очиш ва ёпишда қонунийликни таъминласин, қабристонлар ташкил этиш учун ер участкаси ажратишни ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширсин.

3. Туман ободонлаштириш бошқармаси (фуқаролик хизмати кўрсатиш бошқармалари) ҳамда қабристонларнинг маъмурияти:

хизматлар учун қатъиян белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир буюртмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

қабристонларда бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатиш, объектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор “Зафар йўлидан” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Ризаев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Н.Раджапов**

Зафаробод туман ҳокимининг
2021 йил 6 ноябрдаги
87-3-50-Q/21-сон қарорига
1-илова

Зафаробод туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори

сўм

Т\р	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Туман
1.	Гўр қазиш	1 ўринга	Бепул
2.	Тегишли диний конфессия қабристонида вафот этган яқинлари ва қариндошларини дафн этиш учун участка олиш	1 ўринга	Бепул
3.	Маросим хизматларидан фойдаланиш	1 кунга	Бепул
4.	Қабрга ва қабр усти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш	1 ўрин/кунга	Бепул